



АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди ҳамда фаоллар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлди.

Жамоат транспорти тизими ривожлангани шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири. Лекин Тошкент шаҳрида бу соҳа ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда кўпга турар жойлар қурилди, аҳоли сони ошди, шаҳар ҳудуди ҳам кенгайди. Пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда.

Бу талабга жавоб бериш учун “Тошшаҳартрансхизмат” тизимида автобуслар етишмаяпти. Борларининг ҳам кўпи эскирган. Шу сабабли йўналишларга режага нисбатан 90-100 та автобус кам чиқмоқда. Кўчаларда жамоат транспорти ус-туворлиги йўлга қўйилмаган. Буларнинг оқибатида йўловчилар автобусларни 20-30 дақиқача кутишига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ҳолатни кескин танқид қилиб, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда бунга умуман йўл қўйиб бўлмастлигини таъкидлади. Шу боис кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топширик берди.

Бунинг учун хусусий корхоналар автобуслари ҳам жалб этилади. Уларга харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия берилади. Йўл харакати хавфсизлиги ходимлари автобуслар қатновига қўшимча қулайликлар яратади.

Қатновлар тезкорлиги ва хизмат сифатини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш масалалари бўйича тақдимот ўтказилди. Қайд этилганидек, бу йил 277 та автобус ва электробус харид қилиниб, қатновга қўйилди. Автобуслар ҳаракати ва тўловлар тизими рақамлаштирилди.

Бугунги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” тизимида 142 та йўналиш бор. Йўловчилар оқимининг кўпайиш прогнозидан келиб чиқиб, жамоат транспортининг 167 та йўналишдан иборат янги тармоғи шакллантирилган. Бу йўналишларни таъминлаш ва Тошкент шаҳрида жамоат транспортга бўлган талабни тўлиқ қондириш учун яна 1000 та катта сифимли автобус зарур. Бу орқали автобусларнинг оралиқ интервалини 7-10 дақиқача қисқартириш мумкин.

Президент автобус саройидаги

транспортларни кўздан кечирди. Ушбу корхона 22 та йўналиш бўйича кунига 74 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Тошкент иссиқлик маркази» корхонасининг Чилонзор иссиқлик марказини бо-риб кўрди.

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг пастлиги кузатилмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис бу борадаги зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларда ҳароратни асраш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттли станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик етказиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев кутилмаганда шу ердаги Ширин маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизикди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Учтепа тумани Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижасида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги мазкур оилавий болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантикий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебель ва хўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири – Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонида бўлди.

Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилгани, давлат эътибори билан бу орзуси ушалганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабида таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзги сахна, хиёбон ташкил этилган. Манзарали ва мева-вали дарахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзғорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўғралакларини кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган 11 ойда пойтахтимизда 650 та лойиҳа амалга оширилиб, 30 мингга иш ўрни яратилган. Хусусан, Учтепа туманида янги тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 110 тага кўпайган.

Тошкентда савдо, саноат ва хизматларни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Бундан тўла фойдаланиб, пойтахтни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси белгиланди.

Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Улардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боғчаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги 12 та иссиқлик марказининг барчаси 1968-1986 йилларда қурилган бўлиб, ускуналари эскирган. Шу боис, улардан 9 таси негизда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи замонавий марказлар ташкил этилади. Натижада пойтахтимизда ҳар йили қўшимча 3 миллиард килловатт-сондан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Янги йил байрами арафасида бозорларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни “Uzbekistan airways” акциядорлик жамиятини трансформация қилишга оид таклифлар тақдими билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 апрелдаги қарорида фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш бўйича вазифалар белгиланган эди. Бу борада илғор хорижий тажриба ўрганилмоқда, етук консультантлар жалб этилмоқда.

Хусусан, “Uzbekistan airways” акциядорлик жамиятини ислоҳ қилиш бўйича туркиялик мутахассис Илкер Айжи жамоаси билан иш олиб борилмоқда. У “Турк ҳаво йўллари” авиакомпаниясини бошқарган кезда уни минтақавий даражадан глобал миқёсга муваффақиятли олиб чиққан.

Бугун “Uzbekistan airways” олдига ҳам шундай вазифа қўйилган. Мамлакатимизнинг географик жойлашуви ва соҳа инфратузилмасидан оқилона фойдаланиб, уни халқаро транспорт хабиға айлантириш кўзда тутилган.

Тақдимотда давлатимиз раҳбарига “Ўзбекистон ҳаво йўллари”ни трансформация қилиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган стратегия ҳақида ахборот берилди.

Унга мувофиқ, авиакомпанияга халқаро тажриба асосида корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, ҳаво кемаларини кўпайтириш, хизматлар сифатини ошириш ва юк ташиш тармоғини кенгайтириш чоралари кўрилади. Хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда авиакомпанияни жаҳон стандартлари асосида хусусийлаштириш ишлари якунига етказилади.

Булардан кўзланган асосий мақсад “Ўзбекистон ҳаво йўллари”ни етакчи минтақавий авиакомпанияга айлантириш, шунингдек, аҳолининг маҳаллий ва халқаро йўналишларда арзон нархларда ҳаракатланишини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, унинг ижросига тезроқ киришиш кераклигини таъкидлади.

– Бу соҳада ўн йилга кечикканмиз. Авиакомпания эскича услубда ишляпти, йўловчилар хизмат сифатидан рози эмас. Агар иқтисодиётимизни, туризмни ривожлантира-миш десак, яққаю ягона йўлимиз шу, – деди Шавкат Мирзиёев.

Авиакомпанияда лойиҳа офиси тузиб, трансформация жараёнини мувофиқлаштириб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Пойтахтимизда



Олмазор туманида жойлашган А.Чўлпон ҳамда А.Қодирий номидаги кутубхонага Татаристон Республикаси Миллий кутубхонаси раҳбари Мадина Фатиховна Тимерзянова ва Галина Валентиновна Пичигина ташриф буюришди. Олмазор туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган хунармандлар кўргазмаси, Тошкент маданият ва санъат коллежи томонидан тайёрланган концерт дастури меҳмонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Меҳмонларга туманда аҳолини, айниқса ёшларни китобхонликка қизиқтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.



Сергели туманида яшовчи Ўзбекистон Ушу терма жамоаси аъзоси Хонзодаҳон Абдуллаева Индонезиянинг Тангеранг шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада 70 та мамлакат спортчилари ичида энг юқори балл билан 8 та энг кучли спортчилар қаторидан жой олди. Албатта бу шунчаки тасодиф эмас. Шубҳасиз, бу муваффақиятлар ортида қанча меҳнат, матонат бор ва энг муҳими бу оила ва жамиятнинг эътибор маҳсули десак, тўғри бўлади. Чемпион қизимизга бундан-да юқори марраларни тилаймиз.



Миробод туманида 4-сектор ҳудудида "Қўйлиқ Ота" маҳалла биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий марказ Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар туманларида «Замонавий маҳалла» комплексларини барпо этиш тўғрисида»ги қарорига асосан қуриб битказилди. Бинонинг очилиш маросимида маҳалла аҳолиси, нуронийлар, ҳокимликнинг масъул вакиллари иштирок этишди.

Чилонзор тумани Халқ депутатлари кенгашининг "1-Бешёғоч" ва "7-Новза" сайлов округларида бўшаб қолган ўринлар учун депутатликка сайлов ўтказилди. Ҳар иккала округда ҳам сайловлар қонунчилигимиз, унда белгиланган очкилик, ошқоралик, эркинлик ва адолат каби умумэтироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда ўтказилиб, депутатлар сайлаб олинди. Сайлов натижасига кўра "1-Бешёғоч" округига 62,4 фоиз овоз билан "Адолат" СДП аъзоси, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри Александр Сатимович Бекчонов сайланди. "7-Новза" округи депутатлигига эса 72,8 фоиз овоз билан Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси, Чилонзор тумани ҳокими Саидқаҳҳор Мухаммадқаримович Холхўжаев сайланди. Ҳар икки депутатимизни сайланганликлар билан табриқлаймиз ва халқ хизмати йўлидаги фаолиятларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Юнусобод туманида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу соҳада фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳар тажрибаси асосида Юнусобод туманидаги 4-сектор ҳудудидаги ўндан ортиқ маҳаллаларда "Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тиббий маданиятни ошириш" мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилди. Мулоқотларда мамлакатимизда катта ёшдаги аҳолининг аксарияти ортиқча вазндан, қон босими ошишидан азият чекаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу эса, ўз навбатида, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, бош мия қон айланиши фаолиятининг бузилиши, бўғим касалликлари ва бошқа бир қанча хасталикларнинг ривожланишига олиб келиши қайд этилди. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида туманда "Соғлом Юнусобод" шиори остида тарғибот тадбирлари, ойлик акциялар ташкил этилиб, унинг доирасида тиббий кўриклар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда.

Миржалол МАҲКАМОВ
тайёрлади



Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор, рассом Ортиқали Қозоқовнинг "Ипак йўли мўъжизалари" номли шахсий кўргазмаси, альбом, китоблари тақдироти ўтказилди. Унда рассомнинг сўнгги йилларда яратилган ранг-баранг мавзудаги 40 га яқин ижод намуналари намойиш этилди.

ИПАК ЙЎЛИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Рассомнинг таъкидлашича, уларга кенг маънода авангард анъаналари билан уйқаш ижод намуналари сифатида баҳо бериш мумкин. Мусаввир ижодининг талайгина қисми устахонада жамланган. Уларда миллий хунармандчилик намуналари ифодаланган натюрмортлар, замондошларимиз қиёфаси акс этган инсон сиймолари, гўзал табиат манзаралари акс этган.

Экспозицияда рассомнинг "Эзгулик йўлларида", "Ипак йўли – дўстлик йўли", "Ипак

йўли, ўтмиш ва бугун", "Ипак йўлида боғлар", "Бахт пояндози", "Ипак йўлида бунёдкорлик", "Мусиқа оҳанглари", "Ипак йўли орзу йўллари", "Ипак йўлида юксалиш", "Ипак йўлида ҳосил байрами", "Ипак йўлида карвонсарой" каби ишлар ўрин олган. Улар мухлисларни мулоҳазага чорлайди.

Кўргазма залида намойиш этилаётган фильмдаги рассомнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар, намуналар, шунингдек, тақдим этилаётган муаллифнинг альбом, китобла-



ри ва улардаги ижодий ишлар мўйқалам соҳибининг ижоди тўғрисидаги тасаввуримизни янада бойитади

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

БОЖХОНАЧИЛАР ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати томонидан пойтахтимиздаги бир қатор таълим муассасаларида ўқувчиларни пиротехника воситаларининг салбий оқибатларидан огоҳлантиришга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилди. Чилонзор туманида божхона органларига бириктирилган 114-сон умумтаълим мактабида ҳамда Шайхонтоҳур туманида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабида бўлиб ўтган учрашувларда дастлаб ўқувчиларга пиротехника воситаларининг аянчли оқибатлари ҳамда божхона ходимлари томонидан шу йўналишда аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари ҳақида махсус лавҳалар

намойиш қилинди. Петарда ва салютлар лаҳзалик завқ улашиши мумкин, аммо, эҳтиётсизлик ортидан ушбу воситалар етказиши мумкин бўлган жароҳатлар йиллар давомида битмайди. Учрашувларда қишки таътил давомида Янги йил байрамини тинчлик-хотиржамликда нишонлаш учун барча бирдек масъул эканлиги ҳаётини мисолларда тушунтириб берилди. Ўқувчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоблар қизгин кечди. Учрашувларда энг фаол қатнашган иштирокчиларга Давлат божхона қўмитаси Касаба уюшмаси томонидан бадий китоблар улашилди. Бу каби профилактик тадбирлар давом этмоқда.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Яшнобод туманида жойлашган ўзининг 100 йиллик бой тарихига эга бўлган Тошкент вилояти "Турон" кутубхонаси филиалида қўшни Қозоғистон Республикасида "2022 йил – Болалар йили" муносабати билан Қозоғистон Республикаси "Дўстлик" ўзбек этномаданий марказлари ҳамжамияти қошидаги "Ижодкор" адабий бирлашмаси томонидан болалар адабиёти бўйича эълон қилинган "Болажон" ижодий танловида иштирок этган ўзбекистонлик бир гуруҳ иштирокчиларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танловда болалар адабиётида ижод қилаётган кўплаб қозоғистонлик ва ўзбекистонлик ижодкорлар фаол қатнашди.

Қозоғистон адабий бирлашмаси раҳбари Баҳодир Убайдулло ўғли адабий бирлашманинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари, айниқса, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш масалаларига тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқаро Турон фанлар академияси академиги, "Турон" ёш ижодкор-

лар уюшмаси раиси Амир Худойберди сўз олиб, Қозоғистон адабий бирлашмаси томонидан қилинаётган хайрли ишларга ҳайрихоҳлик билдирди ва Қозоғистонда яшаб ижод қилаётган бир гуруҳ ижодкорларга Халқаро Турон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолиқ гувоҳномалари топширилди.

Шундан сўнг «Болажон» танловида қатнашган ўзбекистонлик ижодкорлар диплом, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Маънавият анжуманида чинакамига тажриба алмашилди. Устоз ва шогирд анъанаси йўлга қўйилиб, бу анъана янада мустаҳкамланди. Тадбир доирасида мушоира ўтказилди. Энг муҳими тадбир давомида ёш ижодкорларнинг ишлари китоб шаклида тез кунларда китобхонлар қўлига етиб бориши тақлиф этилди.

Дилфуза ҚОСИМОВА,
Ижодий ва маданий
масалалар бўйича
тарғиботчи

Депутат минбари

Тошпўлат МАТИБОВ:

“ДЕПУТАТ ДЕПУТАТГА
ЕЛКАДОШ БЎЛИШИ
КЕРАК!”

Тошпўлат Болтабоевич Матибоев
– 1961 йили Чимкент вилояти
Туркистон шаҳрида зиёлилар
оиласида таваллуд топган.
Социология фанлари доктори,
профессор, Турон ФА академиги.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент шаҳридаги Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлаган. Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Тошкент темирйўл транспорти муҳандислар институти тамомлаган. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олган. Мазкур академиянинг тадқиқотчиси, аспиранти ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг тадқиқотчи, докторант сифатида илмий изланишлар олиб борган. Тошпўлат Матибоев 2009, 2014 ва 2019 йилларда бўлиб ўтган сайловларда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси.

– Тошпўлат ака, депутат бўлиш истаги қачон пайдо бўлган?

– Жамоатчилик ишлари билан олдиндан шугулланиб юрардим. Бу ўзимга ҳам ёқарди. Кимдир бирор ишда маслаҳат ёки ёрдам сўраб келса, қўлимдан келганча ёрдам берардим. Бора-бора ёнимга маслаҳат сўраб келадиган инсонлар кўпайди. Шундай кунларнинг бирида менга: “Депутат бўлмайсанми?” деб қолишди. Уч кун ўйладим. Депутат қандай бўлишини билмасдим ҳам. Депутатлар билан учрашиб, уларнинг фаолиятига қизиқиш уйғонди. Биринчи сайловда номзодимни кўйдим, аммо голиб бўлолмадим. Бунга хафа ҳам бўлганим йўқ. Аксинча, халқни ўйлантираётган муаммолар, вазиятларни чуқурроқ ўрганишга вақт бўлди. Шу пайтга қадар уч марта қайта-қайта депутатликка сайланганман.

– Тошпўлат ака, сайловлар жараёнида депутатлар бири-бирига рақиб ҳисобланади. Сайловдан кейин улар бири-бирига елкадош бўла оладими?

– Икки депутатнинг тортишиб қолиши бу жуда хунук ҳолат. Шу пайтга бундай ҳодисалар жуда кам бўлган. Депутат – халқнинг дарди, қувончи билан яшайдиган инсон. Муҳтарам Президентимиз биз депутатларга ишонч билдираётган бир пайтда албатта, елкадош бўлишимиз керак. Тан олиш

ке-
рак,
депу-
татлар-
нинг ус-
тидан кўп
аризалар келиб
тушади.
Шу пайт “одоб
комиссия”сини
йиғиб, масалага
аниқлик киритамиз.
Депутат адашган
бўлса тўғри йўл кўрса-
тамиз. “Ёлғиз отнинг -
чанги чиқмас, чанги чиқ-
са ҳам донги чиқмас”, де-
ган ота-боболаримиз. Шу-
нинг учун ҳам депутат депутат-
га елкадош бўлиши шарт!

– Айрим депутатларимиз фақат PR учун, “хўжа кўрсинга” фаолият юритаётгандек назаримда...

– Халқнинг дарди – давлатнинг дарди. Дунёда Ватикандан бошқа бирор давлат йўқ халқсиз! Давлатнинг асоси халқ! Халқ бор экан давлат бор. Бизларни халқ сайлаган. Шунинг учун юкни бўйнингга олдингми, сайлаган сайловчининг дарди билан яша! Кўз-кўз учун, PR учун беҳуда халқнинг ёнига бориб келишинг керак эмас. Бордингми, муаммосига қулоқ тут, ке-

рак бўлса, шу жойнинг ўзида ҳал қил!

– Уч йилдан бери Тошкент шаҳар ҳокими томонидан Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатларига катта миқдорда пул маблағи ажратиб келинмоқда.

Бу маблағлар ўз ўрнида ишлатилияптими?

– Албатта, тийин-тийингача назоратда! Ижтимоий тармоқлардаги айрим сайтларда бу ҳокимнинг PR деган

ха-

бар-

лар

кўнгил-

ни хира

қилади. Бу

пуллар аж-

ратилиши ор-

тидан PR эмас

халқнинг манфа-

атлари турибди.

Мана шу маблағ са-

бабли қанчадан-қанча

беул жарроҳлик ама-

лиётлари ўтказиляпти.

Ижтимоий муҳофазага

муҳтож бўлган оилаларнинг

муаммолари ҳал этиляпти.

Бунинг учун Жаҳонгир

Ортиққўжаевдан миннатдормиз.

– Расул Кушербоев, Алишер Қодиров каби депутатлар бугун омма назарида. Улар ҳақида қандай фикрдасиз?

– Сўнги пайтларда ёш-ёш депутатларимиз ҳақиқатан яхши ишлашяпти. Халқ билан бирга қайнашяпти, жон куйдирыяпти, муаммосини ҳал қиляпти. Қачон кўрсам халқни ичида. Ҳали у муаммо, ҳали бу муаммони устида бош қотиришаётганини кўраман. Расул Кушербоев ва Алишер Қодировни жуда ҳурмат қиламан.

– Замон зайли билан блогерларимиз ҳам тобора кўпайиб бормоқда...

– Улар орасида ҳақиқатан долзарб мавзуларни олиб чиқаётганлар ҳам бор, олди-қочди, бўлмағур нарсалар билан ёшлар онгини захарлаётганлари ҳам афсуски йўқ эмас. Баъзида депутатлар ҳақида ҳам танқидий фикрларни ўқиб қоламан. Беш-олти кишининг фикри билан бутун Ўзбекистон халқининг муносабати деб кўпиртириб гапиришади. Бу мутлақо нотўғри! Ишламаган депутатни кўрсат, олиб бор ўша жойга. Ишламайдиган депутатлар ҳақида гап кетганида, партияни ўзи ҳам бундай кадрлардан воз кечяпти. Чунки булар партия номига, халқ номига, давлат номига иснод келтиряпти деган масала қўйиляпти ва бу жуда тўғри! Бугун маҳаллий кенгаш депутатлари Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатларидан кам фаолият юритмаяпти. Керак бўлса, маҳаллаларда уйма-уй юриб, қанчадан-қанча муаммоларни ҳал қиляпмиз. Бу жуда катта нарс.

– Сиз суянадиган инсон ким?

– Онажоним эди... Онам “болам қўл остингда ишлайдиган фаррошдан тортиб ёрдамчингача, ҳаммасига бир хил муносабатда бўлгин. Ишчиларингни тўйида ҳам, азасида ҳам елкадош бўл. Ҳалол бўл, бировни ҳаққини емагин. Қўлингдан келганича ҳаммага ёрдам бер, кечиримли бўл” деб бот-бот такрорларди. Эрталаб онамининг дуосини олмасдан ишга кетолмасдим. Онам бир кун: “Мен ўтганимдан кейин ишга аёлингдан дуо олмасдан кетма”, деб айтганларида жуда ғалати туюлганди. Йўқ, тўғри айтган экан. Ҳозир аёлимнинг дуосини олмасдан уйдан чиқмайман. Дуо олган одам доим кўкаради.

Дилноза
САФАЕВА
суҳбатлашди



Оқшом меҳмони



Эркин КОМИЛОВ:

«ОМАД ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ»

касбда ўзингизни топмайсиз. Театрда номига ишлайдиганлар ҳам бор, номига келиб кетади, уларнинг муносабатлари юрагимни оғритади.

... мардлингиз майдонда билинади

– Шукур Бурхондек санъаткорнинг шогирдиман, бу менинг санъатдаги бахтим! Устозим “Темир интизом керак”, дерди, ўша пайтлар ҳа, тартибли бўлиш керак

эканда, дердим. Энди ўйлаб қарасам интизом дегани театрда бўлган хурмат, муҳаббат, ҳамкасбларга

ўзаро оқибат, ишга масъулият дегани экан. Биз устозларнинг изидан юрдик, уларнинг дуоларидан кўкардик. “Томошабинни севиш керак”, дерди яна Шу-

кур ака... Севмасангиз меҳр қайда, яхши кўрмасангиз сизга кимнинг эътибори тушади. Устоз мана шу ўғитлари билан шогирдни саҳнага олиб чиқади, майдонга элитади... энди мардлингиз майдонда билинади. Бу ўзингизга боғлиқ!

... гараз боғларни кўкартирмайди

– О, ҳасад қанча одамнинг бошини еди. Фитна қанча қалбларни синдирди... Гараз боғларни кўкартирмади! Одамзод омонат дунёда яшаётганини унутмаслиги керак. Кимдир омади кулиб, бахтли ҳаёт кечириятими, ҳавас қилинг. Сиз унинг ҳаётини яшаманг, ўзингизни йўлингиздан юринг. Омад, бахт совға қилинмайди, ҳаммаси меҳнат. Агар кимгадир омад осмондан тушса, унга ҳам ҳавас қилманг, унинг жавоб берадиган жойлари бўлади... Сиз муҳаббатни, садоқатни сотиб олманг, шундай яшангки, меҳрни ҳам, севгини ҳам Яратганинг ўзи сизга берсин!

Мен, отам ва онам

– Онам йигирма иккита фарзандни дунёга келтирган. Мен ўн тўққизинчидан...

Фарзанд доғидан куйган ота-онам мени яйраб-яшнаб ўссин деб исмиمنى Эркин қўйган экан. Улар бағрида яйраганимчалик ҳеч қаерда яйрамадим, билмадим, қандай фарзанд бўлдим, аммо мен учун улар ота-оналарнинг энг аъло-си бўлди. Мен отамдек ота бўла олмадим... Ҳеч ким отасидан ўта олмади керак...

... репетицияни ҳам соғинаман

– Мен Миллий театрда қадам қўйганимга 55 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Бу даргоҳнинг остонаси муқаддас! Келганимдан буён қирқдан зиёд устозлар дунёдан ўтди. Уларнинг ҳар бири санъатда академик эди. Биласизми, уларнинг суҳбатлари шу қадар хуш эдики, эсласам ҳали-ҳануз яйрайман. Мен оддий бир йигит эдим, ҳаёлимнинг бир четига ҳам келмаган катта театрда ишлаш, катта ролларни ижро этиш... Тақдиримда бор экан, ёзганларини шукр билан, сабр билан яшаб ўтаялман! Мен репетицияни ҳам соғинаман. Агар келгингиз келмай, борсамми-бормасамми, деб қадам қўйсангиз билингки, унда сиз бу

хассага таяниб зўрға юраётган кексалар кўз олдимга келади. Одам кўлидан келмайдиган ишга чиранмагани маъқул. Санъатда юрсангиз, сени ҳеч ким танимаса, таниса ҳам меҳр қўймас, ундан кўра кўлингдан келадиган бошқа юмушни қил! Нима қиласан ҳаммага ҳалақит бериб, санъат – меҳнат, отангни пулига лоп этиб кино олиб, амма-холангни ўйнатадиган майдон эмас...

Мен кутаётган образ

– Шекспир, Горький, Гоголнинг асарларида роль ўйнашни орзу қилман, демайман. Менга ўзимизнинг асарларимиз маъқул, миллий, ўзбекона... Саид Аҳмад, Тоғай Мурод... Шу ёзувчиларнинг ёзганларидан

Кўлингдан келмайдиган ишга чиранма!

– Истеъдодсизларни кўрсам, кўлингдан келмайдиган ишга чиранмагани маъқул. Санъатда юрсангиз, сени ҳеч ким танимаса, таниса ҳам меҳр қўймас, ундан кўра кўлингдан келадиган бошқа юмушни қил! Нима қиласан ҳаммага ҳалақит бериб, санъат – меҳнат, отангни пулига лоп этиб кино олиб, амма-холангни ўйнатадиган майдон эмас...

Қосимовдан миннатдорман. “Сув ёқалаб” картинасида мени кўра олгани учун!

Актёр мард бўлиши керак

– Актёрнинг қисматидаги энг аниқ ўқиладиган сўз бу кутиш! Ҳар бир актёр кутади, кимдир йиллаб кутади, яна кимдир бир умр бекатда қолиб кетади. Аммо менинг ижодимда кутиш онлари узоқ эмас. Театрда келишим билан катта роллар берилган, кинода, телевидениеда ёниб ижод қилдим. Бу ҳамма актёрга ҳам насиб этмайдиган тақдир. Саҳнадаги ilk дублёрим Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов эди. Ооо, у ҳаяжонларни эсласам... Комил Яшиннинг “Йўлчи юлдуз” спектаклидаги Аваз образи эди. Қисматни қарангда, ўшанда Зикир ака Аваз образини “ўзинг ўйна, бу роль сеники”, дегани эсимда. Актёр мард бўлиши керак, тан олишни ҳам, тан беришни ҳам билиши керак.

Кимдир голиб, кимдир мағлуб...

– Ҳам чекмай, дард кўрмай яшаган бирон одамни менга топиб беринг! Ташвишсиз, умидсиз кимсани билсангиз менга айтинг! Меҳрга муҳтож бўлмагани йўқ! Шунинг учун ҳам бу ҳаёт курашлардан иборат! Кимдир голиб, кимдир мағлуб... Одамлар орасида борлигимиз, бугунни шукр билан яшаётганимиз бахт аслида...

Зебо ХОМИДОВА тайёрлади

Шундай фильмлар бор – айнан ким учундир ёзилади, шундай образлар бор – ижро этган санъаткор билан бирга кетади. Қаҳрамонимизда ҳам фақат ўзигагина ярашадиган образлари бор! “Тўйлар муборак”даги жўшқин рақси билан ҳаммани маҳлиё қилган меҳмон йигит ва ёки “Гирдоб” спектакли, “Суюнчи”даги сюжет... Эсладингизми? Режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг “Сув ёқалаб...” фильмидаги раисни-чи?... Бу образлар фақат Эркин аканики!



Дилбар Икромова САҲНА УЧУН ТУФИЛГАН АЁЛ!

Санъат! Бу йўлга кўпчилик ҳавас билан қарайди, аммо унинг йўлини ҳаваснинг ўзи билангина босиб ўтиб бўлмайди. Бу — меҳнат, машаққат ва муҳаббат йўли! Дилбар Икромова! Бир қарасангиз шпион келин, яна бир жойда ҳокисор аёл, ёки шаддод момо... Бир сўз билан турфа образлари билан қалбларни забт этган халқ артисти! Унинг ижод йўлиридан қарсақларнинг, оқшишларнинг овози эшитилади...



Дилбар Икромова кичкина жуссаси билан катта саҳнага қадам қўйганида 23 ёшда эди. Ўтган йиллар мобайнида актриса кинода ҳам театрда ҳам ўзини исботлади. Санъаткор сифатида санъат китобига ўз дастхатини муҳрлади. Томошабин Дилбар Икромовани ташвишларни елкасига олмайдиган, ўйин-кулгуга ҳавасманд, шаддодгина аёл сифатида эслашлари табиий. Чунки у саҳнада, экранда шундай образларда намоён бўларди. Аммо ҳаётнинг саҳнасида қахрамонимизнинг образи тамоман бошқа эди... Унинг саҳнадаги табассумлари ортида ҳаётнинг қаттиқ зарбалари яширинганди... Саҳнадаги кўз ёшларидан... ўзининг ҳасратлари тўкилар эди...



**Турғун Азизов,
Ўзбекистон
халқ артисти:**

— Дилбархон бир олам аёл эди. Содда, бағрикенг, қалби тоза... Бу актриса билан бирга ишлаш мен учун ҳамиша завқли бўлган. Биласизми, бу аёл саҳнада яшар эди. У улғ актриса эди ва бу эътирофга

фақат меҳнати билан эришган. “Чимилдиқ” спектаклида актриса катта образ яратди. Спектаклнинг мувафақияти айнан Дилбархон эди. Айнан мана шу спектаклда Дилбар Икромованинг санъатдаги имижи шаклланди. Ҳақиқий ўзбекона образ эди... Ҳеч ким Дилбархондан ўтказиб ижро этолмади. Шу сабабли ҳам “Чимилдиқ”да дублёрсиз ишлаган. Театр мана шундай такрорланмас санъаткорларга ҳамиша муҳтож бўлади.

**Фарҳод Абдуллаев,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:**

— Беозоргина Дилбар опам... Эсласам, кўнглим ёришади, соғинаман. Дилбар опам менинг саҳнадаги биринчи партнёрим, мен бу актрисани шунинг учун ҳам унутолмасам керак. Ўшанда саҳнада тенгма-тенг мен учун ҳаяжонланганларини эсдан чиқариб бўларканми? Баъзида кўчадаги “майда режиссёрлар” опани ишлатиб пулини бермай қийнаганларини эшитардим. Кўнгли бўш эди, ўша ярамаслар яна чақирса яна борарди. Борманг, дердим. Дилбар опани ҳам тушунман, у пайтлар бугунгидек ҳамма телеканалларда новеллалар йўқ эди, ижодкор учун саҳна билан экран сувдек гап...



**Раъно Ярашева,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:**

— “Раъножон”, дердилар... Дилбар опам билан битта театрда хонамиз битта эди. Кунда кўришардик, ўйлаб қарасам ўзимни туғишганларим билан ҳам Дилбар опамчалик гаплашмаган эканман. Жуда ҳокисор эди, фақат болам дерди. Доим ишда вақтида бўларди. “Ўзбекча рақс” спектаклида райком секретари образини ижро этганман. Қахрамоним кўпол эди, сансираб гапирарди. Ҳар доим Дилбар опадан саҳнага чиқишдан олдин узр сўрардим, бу аёлга ҳатто саҳнада ҳам кўпол гапириб бўлмасди. Жуда киришимли эмасди, тортинчоқ эди. Лекин шу билан бирга жуда кўп китоб ўқирди, рус тилини бурро гапирарди, зиёли эди. Саҳнада ҳамма шу актрисанинг атрофида бўларди. Саҳнада устун эди! Лекин ҳаётда жуда қийналди, оиладан бахти кулмади. Ёлғизгина фарзанди – Мурод бу аёлнинг дунёси эди. Шу фарзанди учун тош келса кемирди, сув келса симирди.

**Эркин Хушвақт,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими:**

— Тоби йўқ, толиққан ҳолда ишга келсалар ҳам саҳнада умуман сезмас эдингиз... Саҳнада хандон отиб кулганини кўрганман, аммо ҳаётда ним табассумли эди. “Чимилдиқ” спектакли аншлаб бўлган пайти, адашмасам 2002 йиллар... Оналари оламдан ўтиб қолди, пешинда қўйиб келдик оналарини. Ўша куни “Чимилдиқ”қа билет сотилган, кечга спектакль бор. Қаердан куч топдилар билмадим, опа келдилар! Дублёрсиз ўйнардилар. Саҳнада шаддод, олов, саҳна ортида аза, қон йиғлайди... Томошабин фақат саҳнадаги образинигина танийди! Бу санъатнинг қудрати... ва фожиаси ҳам...



АМИР ОЛИМХОННИНГ РАД ЭТИЛГАН СЕВГИСИ ЁХУД ОЗАРБАЙЖОН ТААССУРОТЛАРИ

Мамлакатимизда ҳар соҳада бўлгани каби кинематография соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, чорак аср аввал тўхтаб қолган Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди, дунё миқёсида катта нуфузга эга бўлган Бутунроссия давлат кинематография институти филиали иш бошлади. Ўзбекистон кинематография агентлиги таркибидаги тузилмалар бугунги кун талаблари асосида қайтадан ташкил этилди.

Жорий йилнинг 7-10 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва Озарбайжон Республикаси маданият вазирлиги ҳамкорлигида Боку шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбек киноси кунлари”да Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдухолиқов раҳбарлигидаги делегация таркибида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева, кинорежиссёрлар Рустам Саъдиев, Элдор Мамедов, Дилмурод Масаидов, киножурналистлар Феруза Нодирова, Шоира Рауфбоева каби ижодкорлар иштирок этди.

Ташриф доирасида ҳар иккала томон медиа соҳасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида таклифлар беришди. Айниқса, яқинда ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган Хўжа Насриддин латифалари ҳақида суратга олинган фильм ўзбек ва озарбайжон халқининг ўзаро умумий қадриятларини намоён этишига умид қиламиз. Шунингдек, Бухоро Амирлигининг Амир Абдулаҳадхон, Амир Олимхон каби сиёсий арбоблари билан яқин муносабатда бўлган озарбайжонлик тадбиркор Ҳожи Зайнулобиддин Тағиев ҳақида яратилаётган “Валинеъмат” фильми хусусида ҳам тўхталиб ўтсак.

Ҳожи Зайнулобиддин Тағиев Озарбайжон тарихида катта мавқега эга бўлган тадбиркорлардан бири. Биби Ҳайъат ҳудудидан Тағиевнинг ер сотиб олиши ва бу ҳудуддан нефть конининг топилиши унинг ўз даврининг бадавлат кишилари сафига қўшади. Фаолияти давомида Бухоро амирлиги вакиллари билан тез-тез учрашиб, турли соҳаларда музокаралар олиб боришган. Амирлик оиласи вакиллари, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Абдулазиз Абдурасулов сингари ўзбек зиёлилари ҳам Ҳожи Зайнулобиддиннинг хонадонида меҳмон бўлишган. Шундай кунларнинг бирида Амир Олимхон Тағиевнинг қизи Сора хонимни ёқтириб қолади ва унинг қўлини сўрайди. Бироқ Ҳожи қизининг ёшлигини баҳона қилиб, фарзандини ўз юртидан олисга узатишни истамайди... Форум доирасида ушбу фильм воқеаларининг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида ҳам суратга олинди ҳақида келишув бўлди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар миллий киносанъатимизнинг янада кенгроқ қулоч ёзишини таъминлайди ва янги лойиҳаларга замин яратади.



**Лола Элтоева,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:**

— Озарбайжонга биринчи марта келишим. Аммо бу ерда ҳар қадамда қардошларимизнинг меҳрини туйдим. Юртимда юргандек ўзимни ҳис қилдим. Ҳар бир намоиш сўнггида биз кино ижодкорлар билан узоқ суҳбатлашдик. Ижодий фаолиятимизга чуқур қизиқиш билдиришди. Умуман, бу ерда олган хотиралар шахсан мен учун бир умрга эсда қоларли бўлди.



**Шоира Рауфбоева,
киножурналист:**

— Кинематография агентлиги раҳбари Фирдавс Абдухолиқов бошчилигидаги делегация билан биргаликда Боку шаҳрига етиб келганимизда Озарбайжон Маданият вазири Анар Каримовнинг шахсан ўзи кутиб олди. Тадбирнинг биринчи кунидида FILM фондига ташриф буюрдик.

Шу пайтгача ўзбек киносининг энг катта мероси фақат Москвада деб ўйлар эдик. Аммо Озарбайжон кино фондида сақланаётган 3000 дан ортиқ фотосуратлар ва 48 та классик бадиий фильмларимиз, бир қатор қимматбаҳо экспонатларимиз хулосаларимизни ўзгартириб юборди. Форум давомида қардош озар халқининг ўзбек халқи бўлган юксак эътиборини кўрдик ва албатта фахрландик. Киношунос-журналист сифатида “Ўзбек кино кунлари” доирасида келишиб олинган истиқболли лойиҳаларни юртимиз кинематография соҳасида эришилган улкан ютуқлардан бири бўлади, деб умид қиламан.



**Дилмурод Масаидов,
кинорежиссёр:**

— Боку шаҳрига илк ташрифим. Бу мен учун жуда ҳам ёрқин хотираларга бой ташриф бўлди. Тарихий ва замонавий шаҳарсозлик намуналарини бир-бири билан умумлаштириб қурилган намуналари менга Европани эслатди. Бироқ, қардош халқнинг меҳри ва тафти ўз юртимдагидек. Ташрифимиз давомида 4 та кино намоиш қилдик. Булар: «Фариданинг 200 қўшиғи», «101 рейс», «Аёл қисмати» ва «Барон 2: Соғинч» фильмлари. Намоишлардан сўнг замонавий ўзбек киноси ҳақида илиқ фикрлар, орзуманд гоялар айтилди. Нафақат мен балки бутун делегация учун муҳим гоялар, ажойиб хотираларга эга сафар бўлди.

Умида
ҲАҚБЕРДИЕВА



БАҲОДИР ЯЛАНГТЎШ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

2021 йил Самарқандда бўлиб ўтган сайловолди учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев Регистон мажмуасидаги «Тиллакори» ва «Шердор» мадрасалари қурилишини ташкил этган тарихий қаҳрамонларимиз ҳақида фильм яратиш гоясини берган эди.



Айни кунларда “Ўзбекфильм” ижодкорлари ушбу гоя устида иш олиб бормоқдалар.

Самарқанд шаҳридаги “Шердор” ва “Тиллакори” мадрасаларининг қурилишига сабабчи бўлган Баҳодир Ялангтўш ҳақида тарихий ўзбек киноси суратга олинмоқда. Фильм режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов. Сценарий муаллифи Ҳасан Тошхўжаев.

“Баҳодир Ялангтўш” фильми Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва “EZGU FILM” студияси билан ҳамкорликда олинмоқда. Режага кўра, суратга олиш жараёнида 2023 йилнинг баҳор ойларида якунланиши керак. Картинанинг умумий бюджети 30 млрд. атрофида. Шу кунга қадар фильмга 17 млрд. сўм маблағ ажратилган. Маблағнинг асосий қисми техника ва либослар учун кетди.

Фильмда – Баҳодир Ялангтўш, Имомқулихон, Назр Муҳаммад, Нодир Девонбеги, Абдулазизхон, Меъмор Абдуҷаббор, Бойбек-Ялангтўш ўғли каби образлар бор. Ҳар бир қаҳрамон тақдири бир-бири билан узвий боғлиқ. Мисол учун: Нодир Девонбеги кўп йиллар давомида саройда юқори лавозимларда ишлаган ва у уч подшоҳнинг фаолиятига гувоҳ бўлган. Унинг фарзанди бўлмаган шунинг учун умрининг охирида давлат ишидан кетиб, бор бойлигига масжид ва мадрасалар қурдиради. Умрининг сўнгги кунларида “Менинг фарзандларим шу бинода таҳсил олганлар. Улар мени дуосида эслаб қўйса бас”, дейди. Олимларнинг таъкидлашча, Регистон майдонидаги “Шердор” ва “Тиллакори” мадрасалари пештоқида араб тилида ёзилган сўзлар охирга Меъмор Абдуҷаббор исми ҳам ёзилган экан. У киши Баҳодир Ялангтўшнинг меъмори бўлган экан.

Янги панорамали павильон энг юқори замонавий ва технологик савияда фильмлар суратга олишга мўлжалланган. Агар илгари йирик блокбастерлар ва жанговар картиналар хромакей ёрдамида суратга олинган бўлса, бугун Stage Craft технологиясидан фойдаланиш билан ҳаммаси глобал миқёсда ўзгаради. Технология битта павильоннинг ўзида юқори сифатли тасвирни олиш имконини беради. Натихада виртуал оламнинг юқори сифатли тасвири LED экранда акс эттирилади.

Бойсафар ХОЛМИРЗАЕВ



— Бу фильмни суратга олиш учун тарихий фактларни чуқур ўрганиб чиқаямиз.

Сценарий ёзиш жараёнида, киносиларни тарихчиларга, тарихчиларни эса киносиларга айлантирдик. Бутун дунёга Ўзбекистоннинг рамзи сифатида танилган Регистон майдони қад ростлашида қатнашган қаҳрамонлар қиёфасини яратиш орқали тарих қатларида қолиб кетган саҳифаларни тикляямиз. Президентимиз ташаббуси билан бизга чет элдан келтирилган энг сўнгги русумдаги техникалар тақдим этилди. Ушбу техникалар билан биринчи марта фильм суратга оляймиз. Бу ҳам тарихий воқеа аслида! Ижодий гуруҳга келадиган бўлсак образлар устида жиддий ишладик. Киносилар, ўзаро баҳс-мунозаралардан кейин бош ролларни Бегзод Муҳаммадкаримов, Матёқуб Матчонов, Бойир Холмирзаев каби тажрибали актёрларга топширдик. Шунингдек, Қозоғистон Республикасидан каскадёрни ҳам жалб этдик, — дейди фильмнинг постановкачи режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов.

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ҲАЛИ ҲАМОН ОРАМИЗДА

Фуқаролар томонидан оддий грипп дея аталаётган ЎРВИлар аслида ўз вақтида даволанмаса ўздан жуда ёмон асоратлар қолдириши сиз-у бизга сир эмас.

Бугунги кунда коронавирус инфекцияси бутун дунёда мутацияга учраб, бир неча турларда намоён бўлмоқда. ССВ маълумот беришича, жорий йилнинг 13 декабрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони 101 нафарни ташкил этмоқда. Худудлар кесимида пойтахт (57 нафар) биринчи ўринда эканлиги барчани хотиржамликка берилмасликка ундайди.

Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазият юзасидан Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати эпидемиология ва юқумли касалликлар профилактикаси бошқарма бошлиғи Рустамжон Икромов билан суҳбатлашдик.

— Коронавирус пандемияси давом этаётган пайтда республикамызда инфекцияга чалиниш ҳолатлари кўпайишининг сабаби нимада?

карантин чекловларини жорий этилишига олиб келинадими?

— Юртдошларимиз орасида касаллик ҳолати ошиши карантин чеклови жорий этилишига олиб келади, деган саволлар юзага келмоқда. Энди касаллик ҳолати қанчага етса карантин чеклови жорий этилишига тўхталиб ўтсам. Ҳар юз минг аҳолига нисбатан касаллик ҳолати аниқланади ва мавжуд шифо ўринлари тўлса карантин жорий қилиниши мумкин. Агар касаллик ортса маълум бир шифохоналар бе-

га талаб ортса ушбу шифохоналар очилади, ҳозирда талаб йўқ. Шундай экан хавотирланиш ўринсиз.

— Аҳоли орасида яна ниқоб тақиш каби карантин чекловлари ўрнатиладими?

— Шу ўринда касалликка чалинган ҳар бир киши бизнинг назоратимизда эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Касалликдан ҳимояланиш учун ниқоб — энг яхши ҳимоя. Лекин бу ихтиёрий.

— Пойтахтимизда аҳоли орасида касаллик сонини ортишининг сабаби нимада?

— Касалликни тарқалиш тезлиги яқин муносабатнинг кўплигига боғлиқ деб айтиш мумкин. Буни Тошкент пойтахт эканлиги ва одамлар кўп ташриф буюриши, сайёҳлар сонининг кўплиги, туристлар орасида касалланганлар бўлиши мумкинлигида изоҳлаш мумкин.

— Юқумли касалликларнинг олдини олишда эмланишнинг аҳамиятига тўхталиб ўтсангиз.


— Вакцина касалликни даволамайди, касалликнинг олдини олади ва энгил ўтишига ёрдам беради. Биласиз, 2020 йилда касалликдан ўлим ҳолатлари юқори

бўлди, анча одам қийналди. 2021 йилда барча турдаги вакциналари олиб келина бошланди. Танлаш имконияти берилди. Бу эса халқимиз орасидаги ваҳималарни йўқотди. Ҳозирда касалликка чалинаётганлар орасида оғир вазиятда бўлганлари йўқ, коронавирус энгил шаклда ўтиб кетяпти.

Коронавирус инфекцияси барчани огоҳ бўлишга ундайди, шундай экан хотиржамликка берилиш керак эмас. Инфекцияга қарши ҳозирда энг самарали усул — бу эмланиш ҳисобланади.

Касаллик қандай бўлишидан қатъий назар, инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига жиддий путур етказди. Шу боис, ўз соғлигимиз бўлган масъулиятни ҳис қилган ҳолда, турли юқумли ва мавсумий касалликлардан эҳтиёт бўлайлик!

Зиёда РАСУЛОВА
суҳбатлашди



— Коронавирус инфекцияси ҳаво-томчи йўли билан юқади ҳамда куз-қиш мавсумида унинг тарқалиши учун қулай шароит вужудга келади. Касалликнинг ошишига асосий сабаб — одамларнинг ёпиқ биноларда кўп вақт қолиши, об-ҳавонинг кескин совуши ва ўзаро узоқ мулоқотлар ҳисобланади.

Лаборатория таҳлилларига кўра, ушбу касалликнинг 30-35 фоизи оилада,

15-20 фоизи кўни-кўшни,

қариндошлар орасидаги икки томонлама мулоқотдан келиб чиқмоқда.

— Юртимизда касалликка чалиниш ҳолатлари ошиши

морларни қабул қилишни бошлайди. Бу бўйича ССВ режа ишлаб чиққан, соғлиқни сақлаш муассасаси-



Хикоя

МАВЛУДАНИНГ ИРОҚИ ДЎППИСИ

Уни илк бор кўрган кунимни эсласам, кўз ўнгимда бошига ироқи дўппию эгнига хонатлас кўйлак кийган, сочларини қирқ кокил қилиб ўрган, қораширгай чехрали, тўқ яшил-жигаранг кўзларидан мағрурлиги масрурлик учкунлари чақнаб турган қизалоқ гавдаланади.

Дастлабки суҳбатлари муомала-муносабатлар асносида у ҳақда яхши тарбия кўрган шарму ҳаёли, яхши маънодаги бироз шаддод чинакам ўзбек қизи экан, деган хулоса чиқарганман. Бунга яна бир сабаб – танишув чоғимизда “қаердансиз?” деган саволимга жавобан Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Элпок қишлоғидан эканини айтди. Маъносини сўрадим. “Бу – “Эли пок”, деган маънони билдиради, дея изоҳ берди у. Мен бу жавобдан қониқдим. Зеро, ҳар бир киши асосий хислат-фазилятларни ўзи туғилиб-ўсган тупроқдан, ичган сувларидан олади, деган эски ақидага ишонар ва ўзимча феълимдаги шўхлиги жўшқинликни киндик қоним томган маскан номию коми билан боғлаб юрар эдим. Шу боис Мавлуданинг сийрати, шубҳасиз, уни дунёга келтириб, вояга етказган азиз маскани моҳиятига боғлиқ, деган фикрга бордим. Сирасини айтганда, одам ўз ҳаёти давомида танишган, узоқ йиллар давомида бирга ўқиган ёки ва ишлашган кишиларнинг барчасининг ҳам манзилларини умрбод аниқ ва тиниқ эслаб қололмайдиган агар мана шундай бир фикр сабаб бўлмаса. Бу фикримнинг мутлоқ ҳақиқат эканлигига даъво қилмайман. Зеро, номи у қадар чиройли, мазмуни унчалик маънодор бўлмаган қишлоқлардан ҳам кўплаб одобию ахлоқи гўзал, етук инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Гап номда эмас. Бироқ ана шундай мувофиқлиги монандлик ҳам кўп учрайди ва бундай ҳолатларга дуч келганимда севиначан, ўша хуш унволли манзилу унинг шу атамага муносиб фарзандларига беихтиёр меҳр қўясан. Холбуки...

Ўзимнинг эсимда йўғ-у гуруҳдош қизларнинг кейинчалик гинахонлик билан эслатишларига қараганда, ўша биринчи сентябрь куни аудиторияга кириб, қиз-

ларга бирма-бир назар солиб, чиққач: “биттаям пичоққа илинадигани йўқ экан”, дея қўл силтаган эмишман. Ҳазиллашган бўлсам керак. Зотан...

Ёшлигимда анчайин шўх ва ўйинқароқ эдим. Бу гапимни дорилфунунда бирга таҳсил олган сабоқдошлар, айниқса қизлар холисона тасдиқласалар керак.

Қизлар бундан кўп нолишар, дакки беришар, нега шунақалигимни кўп сўрашар, мен уларга тўрт ёшимдан бошлаб тарбия қилган Янглиш бувим ҳаддан ортиқ эркалатиб ўстирганини, бунинг устига унинг дугонаси, қўшнимиз Иклим момо, деган қушноқ кампир томоғим оғриган ёки кўзиккан пайтларимда ирим-сиримлар билан даволаш баробарида мудом қулоғимга: “Бола бўлсанг шўх бўл, шўх бўлманг йўқ бўл”, дея қуйганини айтиб ўзимни оқлашга уринар эдим. Уларга раҳмат, эркалиги шўхликларимни кўтаришар, рақсга таклиф қилган кезларимда кўп ялтирмасдан рози бўлишарди. Дарвоқе, изоҳ бериб ўтишим керак, ўша даврларда кўпроқ европача танцлар уюштириш устувор эди. Фақат...

Мавлуда мен билан рақсга тушишга сира кўнмасди. Чунки ҳаддан ортиқ одоблими, ҳаддан ортиқ жиддийми, эди. Ҳатто: “яқинлашманг менга”, дея пўписа ҳам қилиб қўярди. Унинг мана шу ибоба йўғрилган саркашлиги ҳам эсимда сақланиб қолган. Айни ўринда ёш дўстларимга қарата бир шахсий мулоҳазамни билдириб ўтишни истар эдим. Тенгқур қизлар орасида одамга тез эл бўлиб кетадиганлари, кино ёки театрга таклиф этганимда дарров рози бўлиб, олдинга тушадиганлари эмас, ўз номию шаънини мустаҳкам қалъа сингари сақловчи, ёнгинангда бўлса-да, сенга олис юлдуз сингари маҳлиё этиб турадиганларига интилмоқ, ўз толейингни шундайлар васлидан изламоқ керак. Зеро, вафоли ёр, файзли оила бекаси, меҳрибону талабчан она, набираларга беражак тарбияси мукаммал буви ай - лардан чиқа - ди.



Шу мулоҳазалар натижа-сидамикан, менда Мавлуда тарбия топган муҳит, оила, юқорида айтилган эзгу маъноли қишлоғи билан танишиш истаги пайдо бўлди ва мавриди келганда бу ишти-ёқимни амалга оширишни дилимга тугдим. Афсуски...

Бу ниятим ҳануз рўёбга чиқмади. Тўғри, қайсидир босқичдан сўнг ёзги таътил чоғи гуруҳдошларимизни Мавлуданинг қишлоғига олма теришга олиб боришган экан. Афсус, ана шу завқли кунларда мен дўстим Муҳаммад билан Россия ўрмонларида, халқаро талабалар курилиш отряди сафида бўлганмиз. Агар ўшанда олма теришга мен ҳам борганимда балким унинг қалбига йўл топган бўлармидим. Хуллас, биз Россиядан қайтиб келсак, Мавлуда унаштирилган экан...

Ўқишни битказиб кетганимиздан сўнг Мавлуда билан деярли хабарлашмаганимиз. Ўзимни ҳарчанд мажбурламайин, мен унинг тўйида ҳам иштирок этолмаганман. Такдирми, вазият тақозосига кўра, курсдошларнинг дорилфунунни битирганимизга беш, ўн, ўн беш, йигирма йил тўлиши муносабати билан ўтказилган учрашувларида ҳам сийрақроқ қатнашимизга тўғри келди. Давлат иши, кейинроқ Тошкентга кўчиб кетишим сабаб, аксарияти Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм томонлардан бўлган ёшлигимнинг азизу қадрдонлари ила бот-бот учрашиш, суҳбатлашиш имкони йўқ эди. Ажабки...

Орадан салкам қирқ йиллар ўтгач, кунлардан бир куни тахририятдаги хизматхонам телефони одатдагидан бошқачароқ, қанақадир сеҳрлими, меҳрлими, жиринглаб қолди. Ишонинг, шундай бўлади – узоқ йиллар кўрмаган қадрдонинг кўнғироқ қилаётганини одамнинг кўнгли сезади. Гўшакни олиб, қулоғимга ишонмадим. Сим ортидан менга жудаям таниш, ўша мунису мушфиқ, айни пайтда шарму ҳаёга йўғрилган шаддод овоз янграётган эди.

– Яхшимисиз Олимжон,

соғ-саломатмисиз, мен Элипокдан Мавлудаман!..

– Вожаб! Бу ўша мен билган, шўхликларимга кескин дашном билан жавоб қайтаргучи Мавлудами? Ўша шаддод ва тегманозик қизнинг тилидан наҳотки “жон”, деган кўшимча чиқаётган бўлса, мен у ҳатто невараларига бундай меҳрибон оҳангда гапирмаса керак, деб ўйлаб юрардим, – дедим. У ҳазилимни тундунди

– Ўз жони кўзига ширин кўрингач, ҳаммани “жон”лаб қоларкан киши, – деди у.

– Бахайр? Тинчликми? Жонингизга нима қилди? – Шошилич тиббий ёрдам клиникасида ётибман. Ўт қопимда тош пайдо бўлган экан, ўшани олдирдим.

– Ҳайрият, қутилибсиз. Операция яхши ўтдими? Ҳозир тетикмисиз?

– Худога шукр, аҳволим яхши, эртага жавоб беришмоқчи. Операция қилган жарроҳ йигитнинг қўли жуда энгил экан. Ўшанга... Бу ердаги бошқа яна бир қанча беморлар билан маслаҳатлашиб, шу шифокор йигитга матбуот орқали бир энликина миннатдорлик билдирмоқчи эдик. Ўзиям жуда оддий, ногиронлар оиласидан чиққан, ҳалол, самимий инсон экан. Шунга нима дейсиз?

– Албатта билдириш керак. Исми-шарифи қанақа?

Мавлуда жарроҳ йигитнинг исми-фамилиясини айтди ва:

– Худо хайрини берсин. Кўпларнинг мушқулини энгиллатаётган экан. Миннатдорлик мактуби газетада чиқса, беҳабар қолмайлик, – деди.

– Чиққанидан сўнг сизга хабар қиламан, мобиль телефонингиз рақамини айтинг, – дедим. Айтди. Кейин биз унинг шахсий ҳаёти ҳақида суҳбатлашдик. Узоқ йиллар давомида она қишлоғида ўқитувчилик қилибди, оилали, фарзандли, неварали бўлибди. Мухтасар айтганда, бир қизнинг орзусидаги толега эришибди. Турмуш машаққатларини сабр-тоқат, ҳалол меҳнат билан энгиб яшаётган экан.

Орадан бирор ҳафта ўтди адашмасам. Миннатдорлик мактуби газетада босилди ва мен бу ҳақдаги хабарни етказиш учун Мавлуда берган телефон рақамини тердим. Негадир жавоб бўлмади. Бевозталаниб, ора-орада хабарлашиб турадиган сабоқдош дўстларга сим қоқдим.

– Эшитмадингизми, Мавлуда... вафот этди...

– Водариг! Қачон? Ахир менга: “операция муваффақиятли ўтди, дарддан фориг бўлдим”, деганди, газетада дўхтирларга миннатдорлик мактуби юборганиди-ку.

– У касалликдан эмас. Соғайиб, касалхонадан чиқиб, уйига келганидан сўнг бир неча кундан кейин тўсатдан астма хуруж қилган, ўша лаҳзада дориси ёнида бўлмаганими, ёки бирор сабаб туфайли кучли аллергия юз бергану дори етарлича таъсир қилмаганими, хуллас, дами қисиб, юраги тўхтаб қолган...

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Бошқа нима ҳам деяолардим. Ўлим ҳақ. Оллоҳнинг иродаси шундай экан.

Албатта, унинг менга умри давомида қилган ягона илтимосини бажарганим хабарини етказолмаганим жудаям алам қилди. Зеро, агар шуни билдириб улгурганимда, эҳтимол, унинг қалбида яхши бир инсонга ўз раҳмату ҳурматини айтиш орқасидан жиччагина бўлса-да севинчли қониқиш пайдо бўлиб, ҳаётининг сурурли дамларига яна бир неча лаҳзалар кўшилармиди. Начо-раким, бандаси ожиз, унинг ана шундай “агар-магар”лар билан кифояланишдан ўзга имкону иложи йўқ.

Мавлуда ҳануз кўз ўнгимда хув ўша биринчи сентябрдаги атлас кўйлакли, бошида ироқи дўппию сочлари майда ўрилган, навраста ва боибо қиз бўлиб гавдаланади. Назаримда ҳамisha шундай бўлиб қолса керак. У мудом уйғоқ хотирам чаманзорининг бетакрор ва безавол гулларида н биридик.

Ҳабиб ТЕМИРОВ



TOSHKENT OQSHOMI

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
Кабулхона (71) 233-61-10
Реклама (71) 233-28-95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

Нашр учун масъул
Ҳ.ТЕМИРОВ

Топшириш вақти 00:55
Топширилди 05:00
Буюртма - 827

МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси.
Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани,
“Машъал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма
табоқ, офсет усулида
босилди. Адади 500,
нусха қозғ бичими А3

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди

